

Хамид Гулом таникли шоир, лирик ёзувчи, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбобидир. У Ўзбекистон халк ёзувчиси, Республика ва Иттифок Давлат муфотлари совриндори хамдир. Х. Гулом 1919 йилда тошкентлик музика муаллими оиласида тугилди. Ўрта мактабни битиргач, Ўрта Осиё индустриал институтини (1935—1937) ва Низомий номидаги Тошкент Педагогика институтини (1938— 1941) да тахсил олди.

1954 йилда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг йўлланмаси билан Москвага, М. Горкий номидаги Жаҳон адабиёти институтига ўқишга боради. Сўнг «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги махсус мухбири, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг котиби (1958—1971) ва Г.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нагъриётининг директори лавозимларида ишлади.

Хамид Гулом адабиётга ўттизинчи йилларнинг бошларида «Бизнинг лагер», «Одам», «Кўёш каби чарогон» (1936) шеърлари билан кириб келди. Ёш шоирнинг ижоди ўзбек адабиётининг катта вакиллари Гафур Гулом, Хамид Олимжон, Максуд Шайхзода таъсирида камол топди.

Ватанпарварлик, душманга нафрат руҳи ифодаланган «Касосим бор» (1942), «Катерина» (1942), «Украина еллари» (1943) каби шеър ва балладаларини шоир Улуг Ватан уруши йилларида яратган.

Хамид Гуломнинг кейинчалик яратган «Кўшиқларим» (1949—1956), «Днепр бўйида» (1949), «Галаба йўлида» (1952—1956) асарларида халқимизнинг фашизмга қашши курашидаги қахрамонликлари тасвирланган. «Олмос кизи» (1956), «Тошкентликлар» (1967) асарлари асосан урушдан аввалги давр ўзбек пахтакорларининг фидокорона меҳнати, уруш давридаги фронт орқасида кўрсатган қахрамонликлари ва ўзбек жангчиларининг фронтдаги мардликлари ва жанговар курашлар жамиятидир. Икки китобдан иборат бўлган «Машъал» (1959) романида Октябрь тунтаришининг дастлабки йилларидаги ўзбек халқининг ҳаёти ва қишлоқ советларининг шаклланиши ва уларнинг дастлабки фаолияти, коллектив ҳўжалиқнинг тузилиши ва маърифатнинг ёйилиши каби ҳаётнинг масалалар бадиий таҳлил этилган.

Ёзувчининг «Сенга интиламан» (1963), «Бинафша атри» каби романлари Мирзачўлда ташкил этилган биринчи жамоа ҳўжалиғи ҳақида ҳикоя қилади. Хамид Гуломнинг ўзбек аёлининг янги ҳаёт қуришдаги фаолиятини улугловчи «Тошкентликлар» (1974) романи Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотида сазовор бўлди. Унинг «Мангулик» романи (1981) Иттифок Давлат мукофотини олди.

У очеркнавис ва публицист сифатида ер қурраси, рўй бераётган воқеалар, жаҳондаги халқларнинг озодлик учун курашлари, тинчлик ва халқаро дўстлик темаларини ёритувчи «Китъалар уйғок», «Куба ҳақида ҳикоялар», «Уй», «Хиросима балладалари», «Европа таассуротлари», «Жазоирда тонг» каби асарлар яратди. Адибнинг «Вафонинг узун

йўли» номли бир неча қисмдан иборат хотиралар тўплами ҳам китобхон томонидан кизгин кутиб олинган. Адиб асарлари қирқдан ортиқ жахон халқлари тилларида нашр этилган. Биргина «Мангулик» романи хитой тилида ярим миллион нусхада чоп этилган. Бу тилда бор-йўғи Ойбекнинг «Навоий», О. Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси» романларигина чоп этилган. Шунингдек, Х. Гулом А.С.Пушкин, М. Лермонтов, В. Шекспир, Т. Шевченко, А. Сурков, Лопе де Вега каби ёзувчиларнинг асарларини ҳам ўзбек китобхонлари ва томошабинларига ўз таржимасида торттиқ этган. Унинг «Фаргона хикояси», «Тошболта ошиқ», «Ўғил уйлантириш», «Ажаб савдолар» каби замонавий мавзуларда яратилган музыкали ва комедия асарлари республика театрларида намойиш қилиниб, томошабинлар хурматиغا сазовор бўлди.

Енг сўнги «Мухаббат навоси» номли икки парда беш қўринишли музыкали драмасида эса ХВИ аср Уйғуристоннинг Хўтан шаҳрида яшаган Омоннисо билан Рашидхон ўртасидаги мухаббат можароси хақида хикоя қилинади.

«Машраб» тарихий романи ҳам Х. Гулом каламига мансубдир.

Хамид Гулом замондошларимиз поетик образини яратиш устида изланаётган замонавий ўзбек адабиётининг истеъдодли намояналаридандир.